

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

12

(1018)-son
22-mart

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Янги тараққиёт баҳори

Бугун она юрт, ота маконнинг бўйи-басти, тенгсиз ва тотли неъмат - МУСТАҚИЛЛИКнинг буюк моҳияти ва аҳамияти, эркин ва озод ҳаёт, ҳеч кимга қарам бўлмай яшаш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқи онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар содир этганини янада теран англаб етмоқдамиз.


Истиклол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти, озод ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб юборган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатан ҳам, биз қабул қилган тараққиётнинг "ўзбек модели" яққо ягона тўғри йўл эканини яққол тасдиқлади.

Мана шу ўта огир ва мураккаб йўлда қанча-қанча мушкул синовлардан ўтиб, қийинчилик ва машаққатларни бошимиздан кечириб, меҳнаткаш халқимизнинг мустаҳкам иродаси, қатъияти ва фидойилиги эвазига амалга оширган ишларимизнинг маҳсули бугун барча соҳаларда, барча ҳудуд ва минтақаларимизда яққол кўрмоқдамиз.

5-бет

Сўнги янгилик!

Кембриж олимлари қозоғга шикаст етказмаган ҳолда ундаги ёзувларни ўчиришга асосланган технологияни ишлаб чиқашди. "Де-фотокопилаш" деб номланувчи бу жараён сиёҳ ва лазер принтерлар тонерлари воситасида ёзилган матнларни ўчириш имконини беради. Жараёнда қисқа лазер нуридан фойдаланилиб, қозоғ маълум даражада иситилгач, унинг юзасидаги сиёҳ буғланиш натижасида парчаланиб кетади.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

ОАВ ва Ахборот-коммуникация технологиялари	2
Ривожланиш йўлида	3
Спасибо связистам!	6
Наврўз нашидаси	12
Зиёга бахшида умр	14
Соғлом оила — соғлом авлод	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan Jumagacha

Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президентимиз тавсиясига биноан, Тошкент шаҳар ҳокими вазифининг бажариб келаётган Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб сайланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилди, 2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб белгиланди.

Тошкент шаҳрида 20 март куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам дастури доирасида "Тиббий ускуналарни етказиб бериш" лойиҳаси бўйича Алмашув ноталари имзоланди. Имзоланган ҳужжатга мувофиқ, Японияда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналарни Ўзбекистонга етказиб бериш кўзда тутилган. Ушбу грантнинг миқдори 250 миллион йенга тенг.

Пойтахтимизда Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман "Минтақавий мулоқот" нодавлат ташкилотининг (Словения) Ўзбекистондаги филиали томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида инвестициявий лойиҳалар ва уларнинг самарадорлиги ҳусусида сўз юритилди. Тадбирда, шунингдек, кимё ва нефть кимёси, транспорт коммуникацияси тизимида амалга ошириладиган инвестициявий лойиҳалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўртасида анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчилик ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичлари Фарғона, Навоий, Бухоро, Андижон, Хоразм ва Наманган вилоятларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг устувор вазибалари" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, мутахассислар, экспертлар, Андижон ва Сирдарё вилоятлари оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи ёш журналистлар иштирок этдилар.



ОАВ ва Ахборот-коммуникация технологиялари

Мазкур семинар мавзуси Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгиланган вазибаларни амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарини ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлланган табригида шундай таъкидлаган эди: "...ёшлар билан тенг бўлиб, самимий ва самарали мулоқот қилиш учун мана шундай ахборот-коммуникация технологияларини барча журналистлар, биринчи навбатда, ёш журналистларимиз ҳар томонлама чуқур ва атрофлича эгаллаши кераклигини кимгадир тушунтириб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Шу билан бирга, бугун ёш-атрофимизда, узок-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётини қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни қалитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди".

Семинарда сўзга чиққан маърузачилар асосий эътиборни ана шу фикрни ҳаётга жорий этиш йўллари ни илмий-амалий жиҳатдан асослашга қаратишди. Улар томонидан таъкидландики, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнаомлигида миллий медиа соҳасини тубдан ислох этиш учун қулай шароитлар яратиш, унинг фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш бўйича кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, IT-технологияларини барча соҳа ва тармоқларга жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича салмоқли ташаббуслар амалга оширилди. Бу эса масс-медиа учун мутлақо янги уфқларни очиб бермоқда.

Хусусан, истиқлолга эришганимиздан сўнг, мамлакатимизда ОАВ соҳасини янада либераллаштириш, ахборот излаш, олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш, олиб бориладиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг очилгани, шаффоқлиги, эркин фикр билдиришни таъ-

минлаш бўйича мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Медиа-мақонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш имкониятларини таъминлаш борасидаги фаолият мазкур жараёнларнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, IT-технологияларини барча соҳа ва тармоқларга жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича салмоқли ташаббуслар амалга оширилди. Бу эса масс-медиа учун мутлақо янги уфқларни очиб бермоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маърузачилар томонидан миллий ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш, масс-медиа соҳаси субъектлари фаолиятига коммуникация ва компютер технологияларини кенг жорий этиш орқали ахборот соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга кучли тurtки беришни ташкил этиш масалалари алоҳида таъкидланди. Жумладан, бу йўналишда интернет глобал тармоғида босма нашрларнинг электрон шакллари яратиш, оммавий ахборот воситаларининг интернет-тахририятларини ривожлантириш бўйича илгор хорижий амалиётни қўллаш зарурлиги аҳамият қаратилди.

Миллий ахборот маконининг ривожланиши ҳолати ва истиқболларини таҳлил этган ҳолда қайд этилдики, Ўзбекистонда даврий босма нашрларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун замонавий ва илгор технологиялардан фойдаланишга шарт-шароитларни яратиш, интернет-журналистикани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мисол учун, фақатгина ўтган йилнинг ўзида миллий сегментимиз 80дан зиёд босма нашрларнинг электрон шакллари билан тўлдирилгани фикримиз далилидир. Бугунги кунда қўллаб газета ва журналлар ўз веб-сайтларини ташкил этишгани, интернетда ОАВнинг анъанавий сайтлари пайдо бўлгани,

шунингдек, махсус интернет-нашрлар яратилгани ҳамда ушбу ресурслар ҳар куни долзарб ва тезкор, ҳаққоний ахборотлар билан тўлдирилаётгани ҳам соҳанинг тобора тараккий этиб бораётгани исботидир.

Кейинги вақтларда миллий янгиликлар веб-сайтлари тармоқлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда "UZ" миллий доменида 10 мингдан ортиқ веб-сайтлар мавжуд. "UZ" зонасида домениларни қайд этиш учун олтига расмий регистратор фаолият кўрсатаётган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари орқали амалга ошириладиган интерактив давлат хизматлари 197 марта кўпайди, интернет тармоғига кириш хизматларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари сони эса 945тага етди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони бугунги кунда 9 миллион нафардан орти. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги 4,85 Гбит/с ни ташкил этмоқда.

Семинар иштирокчиларига, шунингдек, қўмита ишчи гуруҳи томонидан ўтган йил охирида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳудудлардаги айрим тахририятлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмаётганликлари, ўз веб-сайтларини ташкил этиш масаласига эътиборсиз қаратганликлари оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу борадаги билим ва қўникмаларини бугунги кун талаблари даражасида оширишни талаб этади.

Шулардан келиб чиқиб, семинарда сўзга чиққан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мутахассис ва экспертлар босма ва электрон ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни жорий этишнинг амалий жиҳатларини ривожлантириш, ижодий ва муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш бўйича ўзларининг аниқ фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини билдирдилар.

Семинар якунида мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ОАВ фаолиятига кенг қўламда жорий этишни таъминлаш юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари акс этган қарор қабул қилинди.

Ривожланиш йўлида

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда республикадаги 50га яқин олий таълим муассасалари ҳамда йигирмага яқин соҳа корхоналари раҳбарлари ва бош мутахассислари иштирок этдилар.

Ахборот технологияларини ҳаётимизнинг турли жабҳаларида кенг ва жадал кириб келиши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратмоқда. "Электрон таълим", "Электрон ҳукумат", "Электрон бошқарув", "Масофавий таълим", "Очиқ таълим", "Ахборотлашган иқтисодиёт", "Ахборот мухити", "Ахборотлар макони" каби тушунчалар ҳаётимизга кириб келиб, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фойдаланилмоқда.

Республикада фан, таълим ва иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ушбу дастур асосида олиб борилган ислохотлар натижасида таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланди.

Анжумани ТАТУ Қарши филиали директори, доцент О.Тургунов кириш сўзи билан очиб, анжумандан қўзлан-

Қаршида Республика илмий-амалий анжумани



Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ушбу дастур асосида олиб борилган ислохотлар натижасида таълим сифати ва самарадорлиги кескин ошди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базалари мустаҳкамланди.

ган мақсад, таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий электрон воситалари қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш бевосита хозирги куннинг долзарб вазифаларидан эканлигини таъкидлади. Шундан

сўнг Қашқадарё вилоятида АКТ соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик тўғрисида мутахассислар маърузалари тингланди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари олий таълимда электрон бошқариш тизимлари, масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, электрон таълим ресурсларини яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик, интеллектуал ўқитиш тизимларини яратиш каби шўъбаларга бўлиниб, ўқитишдаги долзарб мавзулар, илгор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ҳақидаги маърузалари билан танишдилар.

Этиборли томони, анжуманга республикадаги 350дан зиёд олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, стажёр-тадқиқотчилар, изланувчан талабалар ҳамда мутахассислар томонидан илмий мақолалар тақдим этилди, — дейди филиалнинг ўқув-усlubий бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди Октябр Рахимов. — Тақдим этилган долзарб мавзудаги мақолаларнинг 247таси тўплам шаклида кўп нусхада нашр этилди. Олий ўқув юртларидан ташқари, "Истеъ-

дод" жамғармаси қошидаги Масофавий ўқитиш маркази, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Тошкент Давлат ислом университети, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари анжуманга катта қизиқиш билан қараб, илмий маърузалари билан иштирок этдилар. Республикада фаолият олиб бораётган ТАТУнинг ҳудудий филиаллари орасида биринчилардан бўлиб, бу каби йирик анжуманни ўтказишда филиалимиз профессор-ўқитувчиларининг, илмий кенгашиимизнинг салоҳиятига таяндик. Ташаббусимизни ТАТУ маъмурияти қўллаб-қувватлаб, ташкилий ишларимизда ҳар томонлама ёрдам берди.

Анжуман доирасида ТАТУ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари, изланувчан талабалари, вилоятдаги ахборот ва компютер технологиялари касб-хунар коллежлари ўқитувчилари томонидан тайёрланган илмий-усlubий қўлланмалар намойиши, филиалдаги кафедралар фаолияти билан танишув, ёш ўқитувчилар билан мулоқотлар ўтказилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Обуна танлови якунланди: ТАТУ биринчи!

Хабарингиз бор, тахририятимиз томонидан ҳар йили обуна мавсумида танлов ўтказиб келинади. Аънаана мувофиқ, ушбу танлов ғолиблари Наврўз айёми арафасида эълон қилинади ва уларга совринлар топширилади.



Танлов Низомига кўра, ғолибларни аниқлашда "Хабар" газетасига бир йиллик обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотлар асос қилиб олинди.

Шундай қилиб, бу йилги обуна мавсумида белгиланган шартларни бажарган куйидаги корхона ва муассасалар танлов ғолиблигига эришдилар:

1. Жами 1700 нусхадан ортик бир йиллик обуна уюштирган Тошкент ахборот технологиялари университети — **ноутбук билан;**

2. "Тошкент почтамати" филиалининг Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғига қарашли 129-алоқа бўлими — **200 минг сўм билан тақдирланди.**

Шунингдек, обуна ташкил этишда яхши кўрсаткичларни қайд этган:

- "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали;

- "Ўзбектелеком" АҚ "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали;

- "Ўзбектелеком" АҚ "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали;

- "Ўзбектелеком" АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали;

- Махсус авария-тиклаш бошқармаси;

- "Ўзбектелеком" АҚ Наманган филиали маркетинг бўлими бошлиғи Хакимжон Абдуллаевлар тахририятнинг махсус совринларига лойиқ топилдилар. Совриндорларга, шунингдек, тахририятнинг "Фахрий ёрлиғи" ҳам топширилади.

Ғолибларни табриклаймиз!

КО'RIK-TANLOV

Ҳозирлик

"Ўзбектелеком" АҚ телекоммуникация тармоғи орали қўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва ҳажминини ошириш, алоқа линия-кабел хўжалигини меъёр даражасига келтириш, абонентлар базасини ва даромаднинг кўпайтириш, шунингдек, жойлардаги иш юритиш ва ижро интизомини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

Компания ана шу эзгу ишларни амалга ошириш мақсадида филиал ва корхоналарининг кросс, электромонтер, кабелчи-пайвандловчилари ва линия муҳандислари ўртасида "Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими", телекоммуникация боғланмалари ўртасида "Энг намунали телекоммуникация боғламаси" ва қишлоқ АТСлари ўртасида "Энг намунали қишлоқ АТСи" кўрик-танлови эълон қилгани айни муддао бўлди.

"Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиалида кўрик-танловни ўтказиш комиссияси таркиби тасдиқланди. Кўрик-танлов ҳақидаги барча маълумотлар таркибий бўлиналарга эъ-

зилиб, тадбирни самарали ва мазмуни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга эришилди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, кўрик-танлов шартларига асосан унга тайёргарликнинг қай даражада эканлиги, ходимларнинг меҳнатга ва ўзига юклатилган вазифа ва топшириқларга бўлган муносабатлари баҳолашиб, самарадорлиги бўйича мониторинги олиб борилди. Кўрик-танловнинг биринчи босқичи май, иккинчи босқичи июн, учинчи босқичи июл ойларида ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Наврўз айёми билан

барча юртдошларимизни,
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини
табриклайди!



"ЎзАлоқаКонсалтинг" МЧЖ жамоаси

Наврўз айёми

*муносабати билан
юртдошларимизга самимий
тилакларини йўллайди!*



"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни ва
алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини

Наврўз

билан қутлайди.

"ЎЗИ-Жиззах" филиали жамоаси

Юртдошларимизни
жаннатмонанд юртимизга
янада кўркамлик бахши этаётган

*Наврўз айёми
билан табриклайди*



*Қўрқамликнинг узак айёми Ўзга баст-
саядат, суриқайфият ҳада этсин!*

Янги тараққиёт баҳори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Жаҳон афкор оммасининг хайрат ва ҳавасига сазовор бўлган бундай катта ютуқ ва улкан муваффақиятлар мамлакатимизда мухтарам Президентимиз раҳнамолигида аниқ мақсад билан изчил олиб борилаётган, чуқур ўйланган ислохотларни ҳаётга жорий этиш ва маънавий турмушимизни юксалтиришга йўналтирилган оқилона ва узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалий ифодасидир. Энг муҳими эса, юртимизда тинчлик ва оқилолиқнинг барқарорлиги, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элаларнинг кўлини кўлга бериб, ахил ва тотув яшаётгани, буюк марралар сари ҳамжихатликда кадам ташлаётганидир.

Ҳа, мустақиллик бизга миллий кадриятларимизни, маънавий бойлигимизни, энг гўзал, ўзбекона урф-одат, анъана ва удумларимизни, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни қайтарди. Ана шулардан бири шубҳасиз, узоқ йиллар оғир қатгориюлардан омон чиққан миллий айёмимиз — НАВРЎЗдир.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида шундай таъкидлайди: "Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлиши Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз доимо орзиқиб қутадиган ва катта хурсандчилик, шодӣна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз аср-

лар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Дарҳақиқат, Наврўз биз учун фақатгина тантана, шоду хуррамлик, кўнгилхушлик қилиш эмас, балки халқимизнинг бой тарихи, бадий-илмий мероси ва маданияти, маънавий олами билан ҳамоҳанг бўлган жиддий ижтимоий ходисадир. Наврўз — янгиланиш, яшариш, оламнинг гўзаллик ва нафосатга бурканиши, кўнгилларнинг покланиши, кеча ва кундунинг тенглашуви, янги кун, шарқона янги йилнинг бошланиши демасқидир.

Собик иттифок даврида кўплаб миллий кадриятларимиз катори Наврўз ҳам "диний байрам" сифатида қувғинга учради. Шукрким, эрк ва озодлигимиз билан бирга у яна қайта тикланди. Юртбошимизнинг мамлакатимиз хали ўз мустақиллигига эришмай туриб, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш ва шу кунни дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони ўша суронли йилларда жуда катта маънавий жасорат эди.

Халқимиз асрлар бўйи эъозлаб

Залворли одимларимиз ва салмоқли муваффақиятларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Бу йилги Наврўзи оламнинг юртимизга янги тараққиёт баҳорини олиб келаётгани рост бўлсин.

келаётган бу тароватли айёмнинг йилдан-йилга кадри ва аҳамияти ортиб, бугунги замон анъаналари билан бойиб бораётгани ҳам мустақиллик туғайлидир десак, асло муболага эмас. Фуқароларимиз орасида бу кун билан чамбарчас боғлиқ юксак инсонийлик фазилатлари шаклланиши эса Наврўзнинг бугунги ҳаётимизда нақадар муҳим ўрни тутишидан далолатдир. Байрам кунлари бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, қариялар, ногиронлар, ёлғизлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, сумалак, кўк сомса, халим каби баҳорий таомлар билан йўқлаш, хайрига, саховат тadbирларини ўтказиш, хашар уюштириш, отчолар, кўпқари, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар уюштириш, Ватанни, баҳорни, она заминни улуғловчи лапар ва кўшнлар қуйлаш ана шулар жумласидандир. Яна шуниси эътиборга лойиқки, бу айёмда турли келишимовчиликлар, адоват ва гинакудуратлар унутилиб, одамлар орасида ҳамжихатлик ва эзгулик, меҳр-шафқат туйғулари янада жўш уради. Бободехон энг олий ниятлар, умид ва ишонч, янги орау-истаклар ила ерга барака уруғини қадайд.

Зеро, бу буюк аждодларимиздан бири Берунийнинг бундан минг йил аввал ёзган "Ҳиндистон" номли асаридаги "ҳар бир халқнинг удум ва анъаналари ўша халқнинг юз йиллар давомида шаклланиб турмуш тарзининг ифодаси" эканидан далолатдир.

Чиндан ҳам, биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи, узоқ ўтмишдан кадриятларимизнинг чинакам тимсоли бўлиб келаётган хосиятли айём — Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган ҳиссаси улкан ва бекиёсдир. Шу боис ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2010 йилдан бошлаб бу байрамни Халқаро Наврўз кунини, деб тан олди. Бу барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлаши табиий.

Айниқса, Ватанимиз тараққиётини

янги босқичга кўтарадиган жорий йилда Наврўзи олам олиб келаётган кўтаринкилик ўзгача. Юртимизнинг энг чекка овулларида тортиб, кишлоғу кентларимизгача бу айём муносиб ютуқлар билан қарши олинмоқда. Қаёққа қараманг, баҳорий юмушлар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Энг муҳими, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ходисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганидир.

Биз эришаётган улкан марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда олий кадрият даражасига кўтариш, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш йўлидаги саъй-харакатларимиз бароридан келаётгани эса, айти муқддоир.

Ҳар йили Наврўздан Наврўзгача бўлган муддат оралиғида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётга асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимиз нафақат ўзимизга, балки бутун дунё ҳамжамиятига аён ҳақиқат. Ана шу залворли одимларимиз ва салмоқли муваффақиятларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Бу йилги Наврўзи оламнинг юртимизга янги тараққиёт баҳорини олиб келаётгани рост бўлсин.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати



Алоқа коллежида байрам

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида баҳор айёми — Наврўзи олам тантанали нишонланди. Коллеж ахборот-ресурс маркази ва "Тиллар" кафедраси ташаббуси билан ўтказилган байрам дастурда биринчи ва иккинчи босқич ўқувчилари сахна кўринишлари орқали Наврўз ҳақидаги ўз билимларини намойиш этишти.

Авалло, коллеж тadbирлар зали миллий анъаналарга мос равишда баҳорий кайфият билан безатилди. Эътиборга сазовор жиҳати, байрам дастурининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилгани бўлди. Ўқувчилар Наврўзнинг нафақат Марказий Осиёда, шунингдек, олис ўлкаларда

ҳам нишонланиши-ю турли элат ва халқларда баҳор қандай қутиб олиниши турли тилларда сўзлаб беришти. Истеъдодли ёшлар томонидан миллий ва замонавий эстрада йўналишидаги куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди, ўзбек, рус ва инглиз тилларида баҳорни тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

Таъкидлаш керакки, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўз номига мос равишда таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан жуда унумли фойдаланмоқда, маъқур байрам тadbирини ҳам бундан мустасно эмас: байрам тadbiri давомида Наврўз тантаналари, сумалак баъми, халқ сайиллари, миллий либослар, халқ ўйинларини акс эттирувчи суратлар компьютер проектори орқали катта экранда намойиш этиб турилди.

Коллеж раҳбари Файзулла Агзамов байрам иштирокчиларини ўзбек ва инглиз тилларида табриклаб, уларга ўқиш ва

ишларида муваффақият тилади, бу каби тadbирлар илмий-таълимий жиҳати билан ҳам аҳамиятли эканлиги ва бир умрга эсда қолишини таъкидлади.

Қадимий ва ҳаммаоми навқирон Наврўзни коллеж жамоаси ана шундай яхши кайфият билан қутиб олди, шубҳасиз, тadbир баҳона ўқувчиларимиз ва меҳмонларимиз Наврўз билан яна бир бора яқиндан танишиб, ўз дунёқарашларини кенгайтиришти.

Ю.КИМ,
Тошкент алоқа касб-хунар коллежи АРМ раҳбари

ПРЕПОДАВАТЕЛИ

Профессиональных колледжей повышают квалификацию по программированию


С 14 по 16 марта в Центре подготовки и поддержки молодых программистов проводился курс для 32 преподавателей республиканских колледжей по курсу "Программирование для микроконтроллеров AVR на языке C", основной задачей которого является повышение квалификации преподавателей по основам программирования.

В настоящее время качество образования во многом зависит от степени использования ИКТ в учебном процессе. Сегодня компьютерная техника используется в образовательных учреждениях при преподавании не только информатики, но и других предметов, особенно при организации наглядных аудиовизуальных уроков на основе электронных учебников. Эффективное использование организуемых в библиотеках информационно-ресурсных центров на базе ИКТ способствует дальнейшему повышению качества образования.

Обучение проводится в платформе аппаратно-программного комплекса L-Plata, которая является национальным инновационным продуктом в области программного обеспечения. Она дает возможность учащимся профессиональных колледжей, обучающимся по направлениям телекоммуникации и информационных технологий освоить программирование

современных микроконтроллеров, научиться разрабатывать схемы устройств на основе микроконтроллеров и программы небольшой и средней сложности для них. Аппаратно-программный комплекс L-Plata включает в себя 8 лабораторных работ, применение которых позволяет обследовать вновь создаваемые программы самими студентами.

L-Plata является учебным стендом, который позволяет без пайки строить схемы электронных устройств и программировать микроконтроллер. В комплекте включен учебный материал на узбекском языке, примеры программ, а также все необходимое программное обеспечение в электронном носителе для работы с L-Plata. В учебном стенде изучается устройство микроконтроллеров типа AVR, функциони-



рование и программирование микроконтроллера, среда разработки программ и практическое программирование узлов и устройств.

Аппаратно-программный комплекс L-Plata позволяет изучать учащимся колледжей современные технологии в области микроэлектроники, в частности создавать встраиваемые системы, самостоятельно изучая литературу, проводить лабораторные исследования.

Необходимо отметить, что по окончании обучения, в 34 республиканских колледжах страны по направлению информационно-коммуникационных технологий будет установлено по 4 аппаратно-программных комплекса L-Plata.

Aci.uz



НАМКОРБАНК

ДОСТОЙНО ОЦЕНЕН
МЕЖДУНАРОДНЫМИ
РЕЙТИНГОВЫМИ КОМПАНИЯМИ

Международное рейтинговое агентство "Moody's Investors Service", положительно оценив устойчивое финансовое состояние Хамкорбанка, присвоило банку соответствующие рейтинги, включая рейтинг финансовой надёжности банка E+, рейтинг депозитных средств в национальной валюте на уровне B1, рейтинг депозитных средств в иностранной валюте на уровне B2, и наконец, все рейтинги "Хамкорбанка" имеют прогноз "стабильный".

По мнению экспертов рейтингового агентства, при определении рейтингов банка были учтены такие факторы, как: прочные и хорошо налаженные отношения с международными финансовыми институтами; наличие определённой системы корпоративного управления и управления рисками, привнесённые акционером банка — Международной финансовой корпорацией; сильные позиции банка на рынке кредитования предприятий малого и среднего бизнеса и рыбе денежных переводов; диверсифицированный характер кредитного портфеля банка; а также хорошие финансовые показатели - прибыльность, достаточность капитала, ликвидность; способность своевременно выполнять принятые на себя финансовые обязательства.

На днях эксперты международного рейтингового агентства "Moody's" Елена Редько и Ольга Ульянова посетили Головной офис Хамкорбанка в городе Андижане, ознакомились с его деятельностью. По мнению аналитиков, усиление позиций в корпоративном и розничных секторах, сохранение хороших финансовых показателей, хорошая диверсификация кредитного портфеля послужат основными факторами для получения в перспективе наиболее высоких рейтинговых оценок.

КОРОТКО...

● С 15 марта начались продажи новых версий планшетов iPad. Первыми третье поколение культового интернет-планшета начали продавать австралийские розничные магазины Apple, которые с полуночи по местному времени начали продажу планшетов. Первым в мире владельцем нового планшета стал покупатель сиднейского Apple Store 34-летний Давид Тарасенко, который купил самую продвинутую версию планшета с 64 гигабайтами памяти, WiFi и 4G.

● Ученые из университета Нового Южного Уэльса (Австралия), Технологического института Джорджии и университета Невады в Рино (США), разработали принцип действия атомных часов, которые должны ошибаться не более чем на 1/20 секунды за 14 миллиардов лет.

● Антивирусная компания Symantec предупредила о появлении нового троянца под Windows 7, способного поднимать привилегии в системе до администраторского уровня без уведомления пользователя.

Новый троянец Coreee оснащен функциями бэкдора и направлен как на 32-, так и на 64-битные версии систем Windows 7.

Объявление

Турфирма
"INTUR-OSIYO"

- ✦ Маврикия, Таиланд, Вьетнам, о. Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поездки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул. Буюк Инак йули, 115,
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,
268-72-23, (+99893) 387-79-49.

Услуги лицензированы Т.ВС-1948.

Как-то в очередной раз в моей квартире поломался телефон. В начале он тихоночь позвонил, затем начал яростно трещать, а потом несколько раз жалобно крикнул и замолчал.

Ну, думаю, это, как всегда, надоло. От соседа позвонил в "Наманган Телеком", на службу "08".

- Слушаю, - ответил приятный женский голос.

- Девушка, - объясняю я, - телефон у меня молчит... Понимаете...

- Понимаю, - говорит она. - Вы на улице Дуслук проживаете?

- Да.

- Так вот, придётся вам потерпеть, на вашей улице мынем кабель.

- Что же, потерплю, не впервые, тем более. На этот раз и причина веская.

Через пару недель телефон заработал. Не прошло и несколько минут, как раздался звонок:

- Анвар, привет, - слышу незнакомый голос. - Ты что сегодня на работу не явился?

- Куда? - Переспросил я.

- На работу.

- Извините, но я не работаю, потому что недавно вышел на пенсию. И вообще я не Анвар.

- Так что же мне полчаса голову морочите, - напустился он на меня.

Я положил трубку. Прошло совсем немного времени, как телефон вновь зазвонил.

- Анвар Абдурахманович, - прохрипел кто-то простуженным голосом. - Я вас под суд отдам...

- Не имеете права, - подлил я масла в огонь.

- Это я-то не имею! А кто сегодня на работу не вышел?..

Видя, что и тут не до шуток, я опять молча положил трубку. Сажу у телефонного аппарата и думаю, чего это всем вздумалось у меня Анвар Абдурахмановича искать? Мысли прервал новый звонок.

- Товарищ Балтабаев! Последний раз предупреждаю...

- Не Балтабаев я, вы ошиблись номером...

- Ах, вы ещё и прикидываетесь! И не стыдно вам?! И как устроил начальственный голос разнос, аж мне не по себе стало.

Только отдышался и в себя пришел, вновь кто-то звонит:

- Не Балтабаев я! Не Анвар Абдурахманович! И вообще его дома нет, - кричу в трубку.

На другом конце провода засмеялись...

Это было уж слишком. Весь день у меня трещал телефон. Звонили из больницы, различных учреждений, какой-то фирмы и даже из милиции. Только к вечеру телефон вроде бы утомился. Но вот в половине двенадцатого он вновь на радостно залился:

- Здравствуйте, это Балтабаев говорит.

- Очень приятно, - отвечаю, - наконец-то.

- Недоразумение произошло. По ошибке кабель от моего телефона к вашему присоединили, от

вашего - к тете Фариде, а тети

Фариды - к моему. Между прочим, у тети Фариды внучка

родилась, а сын квартиру купил.

- А вас, - сообщаю, - на работе искали.

Очень скоро позвонила тети Фариды.

- Поздравляю, - кричу я ей в трубку, - с

внучкой!

- Спасибо, - отвечает та, - а к вам гости едут из Ташкента, только что сестра звонила, так что готовь-

тесь.

Так мы и подружились - Анвар Абдурахманович, тети Фариды и я. По вечерам стенографические

отчеты телефонных разговоров за день друг другу передаём. А сын тети Фариды, что квартиру купил, обещал нам к телефонам магнитофонные устройства

пристроить. Только не знаю, получится ли.

Что же касается телефонной станции, то мы первое

время туда звонили, просили прежние номера. А потом смирились. Зачем? Нам втроем общаться

интересней. Да и люди уже привыкли, что я -

Балтабаев, он - тети Фариды, а она - это я. К тому же

мои телефонные собрания оказались хорошими

людьми. Мы стали дружить семьями, ходить друг к

другу в гости.

Порой собираемся втроем и удивляемся сами как-то

мы раньше обходились друг без друга? Что ни

говори - молодцы связисты. Умеют они работать.

Спасибо им!


Нариман ИСКАНДАРОВ,

Член Союза журналистов Узбекистана

СПАСИБО СВЯЗИСТАМ!

(Юмореска)

Жаҳон + TV



5.55 Қўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Онам ва одам" дастури: "Замин таройботлари".
7.15 "Иқлим".
7.20 "Кўнглик кўнлик истайдил".
7.30 "9'й юмушлар". Т/с.
8.00 "Ҳақимнома".
8.40 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
9.25 "Рағзини дуйе".
9.45 "Мояр кўлар".
10.00 "Минг бир рингит".
10.05 "Хилофат сарди".
10.25 "Боксин: Қатанлар баҳсин".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Аҳборот".
11.10 "Изувар хонинг". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
12.30 "Кўнглик кўнлик истайдил".
13.00 "Ватанпарвар".
13.40 "Нағруз нағинаси".
14.00 "Аҳборот".
14.15 "Панжара орти ёхуд озодалик нағини".
14.45 Миллий сериал: "Ўзингга ишон".
15.25 "Иқлим".
15.50 "Онам ва одам" дастури: "Балодат денгиз".
16.10 "Эртанлар - яқшилоққа етказар".
16.40 "Ўзбекистон табиати".
17.00 "Аҳборот".
17.10 "Қирол Секин". Т/с.
17.40 "Худудлар ҳаёти".
18.00 "Кўнглик кўнлик истайдил".
18.10 "Менинг онам".
18.35 "Ифтихор".
18.45 "Доктор Хусе". Т/с.
19.20 "ТВ - шифокор".
19.25 20.00 20.55 Эълонлар.
19.30 "Аҳборот". Т/с.
20.05 "Оттин мерос".
20.15 Миллий сериал: "Ўзингга ишон".
21.00 "Аҳборот".
21.40 "Қорин".
22.00 "Қайғимга қулоқ тут". Т/с.
22.45 "Иқлим".
22.50 "Изувар хонинг". Т/с.
23.40 "Онам ва одам" дастури: "Замин таройботлари".
23.55 - 00.00 "Оғу".
00.00 Қўрсатувлар дастури.
00.05 "Мояр кўлар".
00.20 "Худудлар ҳаёти".
00.35 "Менинг онам".
00.50 "Кўнглик кўнлик истайдил".
1.00 "Аҳборот". Т/с.
1.30 - 2.35 "Маманинг" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Қорин".
2.55 "Оттин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!".
4.00 Миллий сериал: "Ўзингга ишон".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Ўзбекистон табиати".
5.50 - 5.55 "Оғу".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Таранум".
7.00 "Мултипанорама".
8.00 Миллий сериал: "Каминаннинг олдиси".
8.40 "Ёшлик навоилари".
9.00 "Афсона ва ҳақиқат".
9.20 "Ғолиб". Т/с.
10.00 "Давр ҳафта янгида".
10.30 Миллий сериал: "Филозилар".
11.10 "Сехрин кўлар".
11.30 "Қўмуғоқ".
12.00 Миллий кино: "Сумалак базин".
12.50 "ИзЕХ".
13.00 "Давр".
13.10 "Ёшлик навоилари".
13.30 "Қўмоғон". Т/с.
14.20 "Сирли ўрмонга".
14.50 "Табиятга бир назар".
15.10 "Мултипанорама".
16.00 "Давр".
16.10 "Сурат". Т/с.
17.30 "Давр мавзуси".
17.40 "Ёшлар мавсуми". Б/ф.
18.50 "ИзЕХ".

ДУШАНБА — 26 МАРТ

19.00 "Давр".
19.30 "Қўмоғон". Т/с.
20.20 "Ўқибун назар".
20.50 "Ҳабасум қул".
21.00 Миллий сериал: "Филозилар".
21.40 "Ёшлик навоилари".
22.00 "Давр".
22.30 "Жаҳон меҳнатси".
23.50 "Салом, Нағруз".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Қармоғи". Б/ф.
1.40 "Ёшлик навоилари".
2.00 "Давр".
2.30 "Нағруз олам".
4.00-6.00 "Биз қиммат".



6.00 Қўрсатувлар тартиби.
6.05 "Олмақор". Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Топсиқет тароналари.
8.40 "Ўяларим".
8.45 "Қонин доғириси".
9.00 "Эко-пойтахт".
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.45 "Ифтихор".
10.15 "Камер оркестрининг концерти".
10.30 "Пойтахт". Т/с.
10.45 "Москва куз ешларига иноматли". Б/ф. 1-2 қисмлар.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дуни" теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Иқти тақдир". Т/с. 156- қисм.
15.40 "Пойтахт худудлари".
15.50 "Ғазал буюғини".
16.00 Топсиқет тароналари.
16.15 Таъин нуқтиси.
16.45 "Оттин оғу". М/ф.
17.15 "Қасбим-қасрим".
17.40 "Менинг шаҳрим".
18.00 "Пойтахт".
18.30 "Иқлим".
18.50 Миллий сериал: "Чемпионлик оғуғи". 26-қисм.
19.20 "Телекурар-маркет".
19.30 Топсиқет тароналари.
19.45 Интеллектуал аукцион".
19.55 "Бизнес- пойтахт".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Жумонг". Т/с. 43- қисм.
21.05 Топсиқет тароналари.
21.15 "Интервью".
21.25 "Ҳақимнома".
21.30 "Пойтахт". Т/с.
21.50 "Телекурар-маркет".
22.00 "Кино SMS со звездами".
22.05 "Қорин".
23.40 "Эко-пойтахт". Т/с.
23.55 "Бизнес- пойтахт".
00.00 Қўрсатувлар тартиби.
00.05 "Пол. секретный материалчик". Х/ф.
1.45 "Ве о туризме".
2.15 "Прогноза под воэи". Д/ф.
2.45 "Москва куз ешларига иноматли". Б/ф. 1-2 қисмлар.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент".



6.00 "Хайрли тонг".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.30 "Спортчилар олдиси".
7.00 Жаҳон спортинг ахуллари - Нозил Круифф".
7.25 Боллар майдончаси: Тонгги гимнастика.
"Спортландия". Мулфиллим.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлинг".
8.50 Футбол. Олимпияда -2012. Сара-шар турнири. Сурия - Уммон.
10.30 "Янги қироллар".
11.20 ИнтерФутбол.
12.55 Рақамлар, натоқлар, рејтинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.

13.15 Боллар майдончаси: "Спортландия". Мулфиллим.
13.45 Тенис. АТР. WTA турнири.
15.15 Футбол. Италия чемпионати.
17.00 ХАБАРЛАР.
17.10 Велоспорт.
18.00 Боллар майдончаси: "Спортландия". Мулфиллим.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Барқамол ақвал".
19.20 Баҳадирлар ўйнади. Жаҳон кубоғи.
20.10 "Жойиб".
20.30 "Спорт - маркет".
20.40 "Футбол шарфи".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 ИнтерФутбол.
23.35 Сешанба дастури анонси.
23.45 Кёрлинг. Жаҳон чемпионати.
ХАБАРЛАР.
1.10 Футбол. Олий лига. "Неғруз" -- "Динамо".
2.50 Тенис. АТР. WTA турнири.
4.20 - 5.50 Футбол. ОЧЛ саралаш турнири. "Ардус" (Ўзбекистон) -- "Ар райан" (Қатар).



07.00 09.20 11.00 13.20 15.30 19.50 20.35
00.00 TVM навилари
08.10 Сериал "Соғлиқ".
09.40 Сериал "Топсиқетин Кейт".
11.30 "Неуралгия" Х/ф.
14.10 Сериал "Соғлиқ".
18.00 "Изд устид".
18.40 Сериал "Соғлиқ".
20.00 Top-10.
21.10 Сериал "Менталист".
22.00 "НОЧ". В МУЗЕЕ" Х/ф.
02.00 Фильмлар, қотролик доққа ушвети: "Имв рози", № 281 по версии TVM.
04.00-05.00 "Друта музыка".
Концерт: Deep Purple

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка
09.00 "Жизнь здорово"
10.00 Мадый приговор
11.20, 01.30 "Криминальные хроники"
11.55 Права на шпигу
13.00 Дрине новости
13.20 Понить, Простить
14.25 "Обручальное кольцо"
16.00 Т/с "Сердце Марии"
17.00 Девачие новости
17.50 "Важные поздравения"
18.50 02.15 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 03.05 Т/с "Робинзон"
21.25 Крайний курс счастливой жизни
22.20 "Познер"
23.20 Ночные новости

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.00 "С новым домом" Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 19.30 Вести-Москва
10.50, 15.45 Вести. Дежурная часть
11.00 Т/с "Хозяйка моей судьбы"
12.00 Т/с "Тайны следствия"
13.50 Т/с "Ефросиня. Такаяная любовь".
14.45 Т/с "Кривоношка"
16.50 Бречное агентство Николая Баскова.
17.50 "Прямой эфир"
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Т/с "Остров ненужных людей"
21.55 Т/с "Лефор"
22.45 "Провал Канариса"
23.50 Вести +

НТВ

04:55 "НТВ утрон".
07:30 Т/с "Литейный".
08:30 09:20 14:30 17:30 Обзор.
Президентию провинциание.
09:10 12:50 15:00 18:00 Сегодня.
09:55 "До суда".
11:00 Суд присяжных.
12:30 Детективный Т/с "Хюст".
15:25 "Прозурсканя проверка".
16:40 "Говорим и показываем".
18:30 Т/с "Лескин".
20:25 Т/с "Участковий".
22:15 Сегодня. Итоги.
23:25 Честный парламент.
23:25 "Шкоца зловония".

РОССИЯ 2

05:00 "Все включено"
05:55 "Индустрия кино"
06:30 "В мире животных" с Николаем Дроловым.
07:40 08:40 12:00 17:15 00:55 Вести-Спорт.
07:10 "Все включено"
07:55 "Моя рыбака".
08:25 11:40 01:05 ВЕСТИ.ru
08:55 Битлон.
09:45 Х/ф "Юбилей зла"
12:15 "Футбол".
13:20 "Планета футбола" Владимира Стояничко.
13:50 Марк Дакассе в фильме "Американский самурай".
15:30 Профессиональный бокс.
17:30 "Футбол".
18:35 Томми Ли Джонс и Беннило Дель Горо в фильме "Загнанный".
20:25 Семейные единоросты.
22:00 "Недавие спорта"
23:55 Футбол. Чемпионат Англии. "Манчестер Юнайтед" - "Фулхам". Прямая трансляция.
01:20 "Наука 2.0. Непростые вещи".
Шахта короля

СТС

06:00 12:30 М/с
08:00 "Снефокор".
09:40 11:30 16:40 23:45 01:30 "6 калор"
09:30 20:00 "Детка" Молодежная музыкальная комедия.
10:30 "История российского шоу-бизнеса". Документальный шик.
Велушин - Сергей Шурков, Борис Корчевников.
14:00 Х/ф "Человек-паук - 3" США, 2007.
17:30 "Галилео" Научно-разлекательный журнал. Велушин - Александр Пушин.
18:30 "Даша и молодежь"
19:00 "Молодежьны"
21:00 "Закрывает школа" Мистический триллер.
22:40 Х/ф "Без чувств"
00:00 "Снефокор".

ТВ3

06:00 М/ф СМФ
07:30 Т/с "Звездные войны: Войны клонов".
08:00 15:20 Т/с "Без следа".
09:00 Д/ф "Тайные знаки. Маги у трона".
10:00 "Как это сделано".
10:30 Д/ф "Искривление времени".
11:00 Д/ф "Святые. Третье спасение".
Сериал "Радожское".
12:00 Д/ф "Горьские легенды".
Президент-институт Института им. Стернфоссов.
12:30 Д/ф "Тайна снежного человека".
13:30 Д/ф "Феномен".
16:10 Д/ф "Тайные знаки. Вера Хлодьяна. Расплата за славу".
17:05 Д/ф "Святые. Три Мартоны".
18:30 Д/ф "Декурный ангел".
19:05 Т/с "Менталист".
21:00 Д/ф "Апокалипсис. Утро из кошмара".
22:30 Х/ф "Мама Джек", Юж. Африка, 2005 г.
23:45 Т/с "Событие".

ОТБОРАТОН

5.55 Кўрсатқувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон'.
7.00 'Онам ва отам' дастури: 'Замин паройишлари'.
7.15 'Иқлим'.
7.20 'Кўнгли қўшиқ истайд'.
7.30 'Ўй юмушлари'. Т/с.
8.00 'Ўзбекистон'.
8.40 'Ўзинги анигла'. Тоқ-шоу.
9.25 'Ифтибор'.
9.30 'Болалар дуниси'.
10.00 'Наҳийини аниглаш'.
10.15 'ТВ - шифокор'.
10.30 'Қўлбита қулқ туғ'. Т/с.
11.00 'Ўзбекистон'.
11.10 'Изулар ҳини'. Т/с.
12.00 'Ассалом, Ўзбекистон'.
12.30 'Кўнгли қўшиқ истайд'.
13.00 'Ўзбекистон' лигилли.
13.10 'Доктор Хусе'. Т/с.
14.00 'Ўзбекистон'.
14.15 'Дуни манзиллари'.
15.55 Миллий сериал: 'Ўзинга ишона'.
15.10 Жаҳон муносири хазинаси.
'Ноқтерлар'.
15.50 'Умар маъмуни'.
16.10 'Эрталаклар - шавқиласқа таълиқлар'.
16.40 'Ўзбекистон табиати'.
17.00 'Ўзбекистон'.
17.10 'Қирғи Сезкин'. Т/с.
17.45 'Витан манзиллари'.
18.00 'Кўнгли қўшиқ истайд'.
18.05 'Кун маъмуни'.
18.15 'Тоқшан: Эршад Жумабўлаб'.
18.30 'Доктор Хусе'. Т/с.
19.20 'Сизнинг адвокатингиз'.
19.25, 20.00, 20.55 'Ўчирлар'.
19.30 'Ўзбекистон' /рус/.
20.05 'Отини мерос'.
21.00 Миллий сериал: 'Ўзинга ишона'.
21.00 'Ўзбекистон'.
21.40 'Мен ешмаккан'.
21.55 'Қўлбита қулқ туғ'. Т/с.
22.40 'Иқлим'.
23.45 'Изулар ҳини'. Т/с.
23.55 'Онам ва отам' дастури: 'Замин паройишлари'.
23.50 - 23.55 'Ўнун'.
23.55 Кўрсатқувлар дастури.
01.00 'Наҳийини аниглаш'.
01.15 'Витан манзиллари'.
01.30 'Юртим бўйлаб' дастури: 'Ушшан оғу'.
01.55 'Кўнгли қўшиқ истайд'.
1.00 'Ўзбекистон' /рус/.
1.30 - 2.35 'Манзиллар' дастури.
2.35 'Иқлим'.
2.40 'Мен ешмаккан'.
3.00 'Отини мерос'.
3.10 'Ассалом, Ўзбекистон'.
4.00 'Ўзбекистон'.
4.15 Миллий сериал: 'Ўзинга ишона'.
5.15 'Тоқшан: Эршад Жумабўлаб'.
5.35 'Ўзбекистон табиати'.
5.50 - 5.55 'Ўнун'.



6.00 'Витан мезри'.
6.10 'Таранни'.
7.00 'Мультипаворам'.
8.00 Миллий сериал: 'Камингавинг оиласи'.
8.40 'Ешиқ навоилари'.
9.00 'Арқона ва қўшиқ'.
9.20 'Тезлиб'. Т/с.
10.00 'Давр'.
10.10 'Давр маъмуни'.
10.30 Миллий сериал: 'Филойлар'.
11.10 'Навуз навишаси'.
11.30 'Қўнли ўлка дастури'.
12.00 'Терра-Нова'. Т/с.
12.50 'ЎЛЕХ'.
13.00 'Давр'.
13.10 'Ешиқ навоилари'.
13.30 'Кўмчион'. Т/с.
14.20 'Кўнлик, аниқ'.
14.50 'Табията бир навар'.
15.10 'Мультипаворам'.
16.00 'Давр'.
16.20 'Сузувир'. Т/с.
16.30 'Беркамоллик Ўнлаш'.
17.40 'Емиглар маъмуни'. Б/ф.
18.50 'ЎЛЕХ'.
19.00 'Давр'.
19.30 'Кўмчион'. Т/с.
2.00 'Кўнли қўшиқ истайд'.
2.50 'Табасум қиз'.

21.00 Миллий сериал: 'Филойлар'.
21.40 'Ешиқ навоилари'.
22.00 'Давр'.
22.30 'Терра-Нова'. Т/с.
22.30 'Витан маъмуни'.
23.00 'Ҳақиқ мезри'.
01.10 'Кўнли қўшиқ'. Б/ф.
1.40 'Ешиқ навоилари'.
2.00 'Давр'.
